

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

Гулистон давлат университети

Иқтисодиёт назарияси кафедраси

**Толибов Умид Махмудович томонидан тайёрланган
«Иқтисодий ўсиш, унинг моҳияти ва омиллари (Миллий иқтисодиёт мисолида)»
мавзусидаги курс иши**

Раҳбар: Иқтисодиёт назарияси кафедраси
доценти **Хидиралиев К.Э.**

Гулистон-2011

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	5
1.1. Иқтисодий ўсишнинг мазмун моҳияти.....	5
1.2. Иқтисодий ўсиш моделлари ва уларнинг назарий жиҳатлари.....	8
1.3. Жаҳон молиявий инқирозини Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатовчи омиллар.....	12
1.4. Жаҳон молиявий инқирози шароитида миллий иқтисодиётда иқтисодий ўсиш омиллари.....	14
II-БОБ. БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР.....	17
2.1. Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмуни ва аҳамияти.....	17
2.2. Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётда иқтисодий ўсиш.....	23
2.3. Истиқболда миллий иқтисодиётни иқтисодий ўсишини таъминловчи омиллар.....	28
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	31
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	33

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва бошқа барча муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли – бу миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва иқтисодий ўсишига эришишдир. Аҳоли фаровонлигининг ошириб бориши ҳам пировард натижада иқтисодий ўсиш даражаси ва суръатларига боғлиқ. Миллий иқтисодиётда **иқтисодий ривожланиш** қийин аниқланадиган жараён бўлганлиги сабабли, унинг мезонларидан бири бўлган **иқтисодий ўсиш** кўпроқ таҳлил қилинади. **Иқтисодий ўсиш** бевосита ялпи ички маҳсулот миқдорининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади.

Иқтисодий ўсишни ЯИМ мутлоқ ҳажмининг ортиши орқали ёки аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш бунинг қандай мақсадда амалга оширилаётганига боғлиқ бўлади. Одатда бирон-бир мамлакат иқтисодий ўсишини ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ўлчаш унинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш эса мамлакатдаги турмуш даражасини таққослашда қўлланилади. **«мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инкирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инкирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади»¹**, деб белгилаб бердилар.

Бозор ислохотлари шароитида минтақалар иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини юксалтириш, миллий бойликни яратишда улар устиворлигини таъминлаш ва улар олдида турган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган катор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, яъни кўп мулкчилик иқтисодиёт шаклланимоқда, таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Чунончи, республика миқёсида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуаларининг шаклланиши ва фаолият даражасининг пастлиги мазкур масалани оқилона йўлга қўйишни тақоза этади. Ушбудан келиб чиққан ҳолда республикада иқтисодий ўсиш асосларини илмий ўрганиш, чуқур таҳлил этиш, бозор иқтисодиёти шароитида уни юксалтиришнинг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ишнинг тадқиқот объекти сифатида миллий иқтисодиёт олинди. Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди. Харид имкониятлари мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда санаганда, ялпи ички маҳсулотнинг 2010 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши 2,6 каррани ташкил қилди.

Ўз-ўзидан равшанки, буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Иқтисодиётимизда 2010 йили юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳолининг реал даромадлари 123,5 фоизга ошди, 2010 йилда инфляция даражаси 2009 йилдаги 7,4 фоиз ўрнига 7,3 фоизни ташкил қилди

Бундай иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсат билан боғлиқ. Жумладан, 2010 йилда юридик шахслар учун даромад солиғи 9 фоизгача, микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 7 фоизгача туширилгани бунинг амалий тасдиғидир. Шу борада ўтган йили Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан ошириб, яъни 0,3 фоиз профитцит билан бажарилганини таъкидлаш зарур.

¹ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

Шунга қарамасдан, такидлаш жоизки кейинги йилларда кўплаб минтакаларда ишлаб чиқариш даражаси ривожланиши пассив ва сезиларли даражада самарадорлиги пасайди. Бу эса нафақат республика балки минтақавий сиёсат доирасида иқтисодий ўсиш ва унга таъсир қилувчи омилларни тадқиқот объекти сифатида танланилишига асос бўлди.

Республика ва минтақалар иқтисодий ўсишини ривожланиш даражаси, унинг тараққиёти даражасини таҳлил қилиш ва бозор муносабатлари нуқтаи назардан баҳо бериш ушбу тадқиқот ишининг **предметини** белгилайди. Бу тадқиқотда диалектик алоқадорлик услуби ва солиштириш, статистика, анализ ва синтез усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур тадқиқот ишининг мақсади-миллий иқтисодиёт ривожланиши ва унинг олдида турган муаммоларни таҳлил қилиш асосида иқтисодий ўсишни таъминлаш ва такомиллаштириш муаммоларини ечиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди ва ҳал этилди:

- Иқтисодий ўсишнинг мазмун моҳиятини назарий жиҳатдан ўрганиш;
- Иқтисодий ўсиш моделлари ва уларнинг назарий жиҳатларини тадқиқ қилиш;
- Жаҳон молиявий инқирозини Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатовчи омилларни ўрганиш;
- Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётда иқтисодий ўсишни тадқиқ қилиш;
- Истиқболда миллий иқтисодиётни иқтисодий ўсишини таъминловчи омилларни ўрганиш.

Тадқиқот ишидаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар. Иқтисодий ўсиш ўзининг даврий ва минтақавий хусусияти, технологик жараёни ва бошқа хусусиятлари билан ажралиб туради. Бинобарин, бозор иқтисодиёти даврида миллий бойликни яратишнинг минтақалар доирасида ҳар томонлама ривожлантиришга жиддий ва устувор эътибор бермок замон талабидир.

Ушбу доирада бажарилган тадқиқот ишининг илмий янгилиги, аввало бозор муносабатлари шароитида иқтисодий ўсиш ва унинг натижаси ҳисобланган миллий бойликни кўпайтиришнинг иқтисодиёт назарияси ва миллий иқтисодиёт фанлари нуқтаи назаридан ўрганилганлиги билан ифодаланади. Шунингдек, тадқиқотда қуйидаги муаммолар ўз ечимини топган:

- Жаҳон молиявий инқирозини Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатовчи омиллар илмий жиҳатдан ўрганилган;
- Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётда иқтисодий ўсиш жараёни тадқиқ қилинган;
- Истиқболда миллий иқтисодиётни иқтисодий ўсишини таъминловчи омиллар асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий-таҳлилий хулоса ҳамда тавсияларидан минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот мавзусининг таркибий тузилиши. Иш кириш, икки боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган.

Биринчи боб-«Иқтисодий ўсиш моҳияти ва унинг назарий асослари» деб номланган бўлиб, унда иқтисодий ўсишнинг туб моҳияти, ушбу жараёнинг бозор муносабатларига ўтиш даврида ривожлантириш ва минтақавий шакллантириш масалалари кўриб чиқилган.

Иккинчи боб-«Бозор ислохотлари шароитида миллий иқтисодиётда иқтисодий ўсиш ва унга таъсир этувчи омиллар» да иқтисодий ўсиш омиллари, бу ерда тармоқларни тутган ўрни ва муаммолари, уларнинг таъсир этиш даражаси, муаммоларни бартараф этиш йўллари атрофлича ўрганилган.

Тадқиқотнинг **хулоса ва тавсиялар** қисмида тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, муаллифнинг ушбу мавзу бўйича тавсия ва таклифлари келтирилган.

1-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Иқтисодий ўсишнинг мазмун моҳияти

Жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва бошқа барча муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли – бу миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва иқтисодий ўсишига эришишдир. Аҳоли фаровонлигининг ошириб бориши ҳам пировард натижада иқтисодий ўсиш даражаси ва суръатларига боғлиқ. Миллий иқтисодиётда **иқтисодий ривожланиш** қийин аниқланадиган жараён бўлганлиги сабабли, унинг мезонларидан бири бўлган **иқтисодий ўсиш** кўпроқ таҳлил қилинади.

Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ички маҳсулот миқдорининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади[10].

Иқтисодий ўсишни ЯИМ мутлоқ ҳажмининг ортиши орқали ёки аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш бунинг қандай мақсадда амалга оширилаётганига боғлиқ бўлади. Одатда бирон-бир мамлакат иқтисодий ўсишини ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ўлчаш унинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш эса мамлакатдаги турмуш даражасини таққослашда қўлланилади.

Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатини тавсифлайдиган мазкур кўрсаткичлар (реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига реал ЯИМнинг ўсиши) миқдорий кўрсаткичлар бўлиб, улар биринчидан, маҳсулот сифатининг ошишини тўлиқ ҳисобга олмайди ва шу сабабли фаровонликнинг ҳақиқий ўсишини тўлиқ тавсифлаб беролмайди. Иккинчидан, реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиши бўш вақтнинг сезиларли кўпайишини акс эттирмайди ва фаровонлик реал даражасининг пасайтириб кўрсатилишига олиб келади. Учинчидан, иқтисодий ўсишни миқдорий ҳисоблаш бошқа томондан унинг атроф муҳитга ва инсоннинг ҳаётига салбий таъсирини ҳисобга олмайди.

Шунга кўра, иқтисодий ўсишнинг барча тавсифи йиллик ўсиш суръатларининг фоиздаги ўлчовида тўлиқ ўз ифодасини топади:

$$\tilde{Y}_C = \frac{YIM_{\text{жорий давр}} - YIM_{\text{базис давр}}}{YIM_{\text{базис давр}}} \times 100 \%,$$

бу ерда:

$\tilde{Y}_C$ – иқтисодий ўсиш суръати, фоизда;

$YIM_{\text{базис давр}}$ – таққосланаётган давр (йил) даги реал ЯИМ ҳажми;


$YIM_{\text{жорий давр}}$ – жорий давр (йил) даги реал ЯИМ ҳажми.

Шунингдек, иқтисодий ўсиш мамлакат ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиб боришини ҳам англатади. Миллий ишлаб чиқариш натижаларининг миқдор жиҳатидан кўпайиши ва сифат жиҳатидан такомиллашиб бориши пировардида ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигининг ўнг томонга қараб силжишига олиб келади. Айтайлик, 2010 йилдаги миллий ишлаб чиқариш ҳажми (Y_{2010}) 2000 йилдаги (Y_{2000}) га нисбатан ўсди. Бу ўсиш ўз навбатида миллий ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигининг ҳам кенгайишига олиб келади (**1.1-расм**).

Расмдан кўринадики, иқтисодий ўсиш натижасида ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулот миқдори ортади, бу эса аҳоли турмуш фаровонлигини ошишига олиб келади. Иқтисодиёт мавжуд эҳтиёжларни янада тўлароқ кондириш имконига эга бўлади. Иқтисодий ўсишнинг аҳамияти тўғрисида гапирилганда унинг даражасини ҳам эътиборда тутиш лозим. Иқтисодий ўсиш суръатларининг аҳамиятлилиқ даражаси турли мамлакатлар реал ЯИМнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда фарқланади. Реал ЯИМ ҳажми нисбатан кичик бўлган мамлакатлар учун **8-10%** даражасидаги иқтисодий ўсиш суръати меъёрдаги ҳолат саналиши, реал ЯИМ ҳажми жуда катта бўлган мамлакатлар учун **2-3%** даражасидаги иқтисодий ўсиш суръати эса аҳамиятли кўрсаткич ҳисобланиши мумкин [21].

Бизга маълумки иқтисодий ўсиш икки турда амалга ошади. Ижтимоий маҳсулотнинг

ўсиш суръати билан ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўзгариши ўртасидаги нисбат иқтисодий ўсишнинг экстенсив ёки интенсив турларини белгилаб беради.



1.1-расм. Иқтисодий ўсиш натижасида миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиши

Экстенсив иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади. Айтайлик, маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса кўпайтириш учун мавжуд корхона билан бир қаторда ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори ва сифати, ишчи кучининг сони ва малака таркиби бўйича худди ўшандай яна бир корхона қурилади. Экстенсив ривожланишда, агар у соф ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури шароитида маҳсулот чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омиллари сифат жиҳатидан такомиллаштириш, янада илғор ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинadиган самаранинг, пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ифодасини топади [22].

Реал ҳаётда экстенсив ва интенсив омиллар соф ҳолда, алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмайди, балки муайян уйғунликда, бир-бири билан қўшилган тарзда бўлади. Шу сабабли кўпроқ устувор экстенсив ва устувор интенсив иқтисодий ўсиш турлари ҳақида сўз юритилади.

Иқтисодий ўсишнинг алоҳида томонларини тавсифловчи кўрсаткичлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан асосийлари ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиш даражаси, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва иш вақтини тежаш, шахсий даромад ва фойда массаси, миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши кабилар ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- а) ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланганлик даражаси;
- б) ходимнинг малакаси ва тайёргарлик даражаси;
- в) ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий омили ўртасидаги нисбат;
- г) меҳнат тақсмоти, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, ихтисослаштирилиши ва кооперацияси.

Иқтисодий ўсишнинг жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган бошқа кўрсаткичи иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши ҳисобланади. У тармоқлар бўйича ҳисоблаб чиқилган ЯИМ кўрсаткичи асосида таҳлил қилинади. Бунда иқтисодиётнинг йирик соҳалари, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги нисбат ҳам ўрганилади. Иқтисодий ўсиш маълум бир омиллар таъсирида бўлади. Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омилларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ омиллар **таклиф омиллари** деб ҳам аталиб, иқтисодиётнинг ўсиш лаёқатини белгилаб беради:

- 1) табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;
- 2) ишчи кучи ресурслари миқдори ва сифати;

- 3) асосий капитал (асосий фондлар) нинг ҳажми;
- 4) технология ва фан-техника тараққиёти.

Бу омиллар ҳар бирининг ялпи маҳсулот ҳажмига таъсирини баҳолаш орқали иқтисодий ўсишни тавсифлаш мумкин. Маълумки, ялпи миллий (ички) маҳсулот ишчи кучи, капитал ва табиий ресурслар сарфларининг функцияси ҳисобланади, яъни:

$$Y = f(L, K, N), \text{ бу ерда:}$$

Y – ялпи миллий (ички) маҳсулот;

L – ишчи кучи сарфлари;

K – капитал сарфлари;

N – табиий ресурслар сарфлари.

Бу функционал боғланишдан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ўсишни белгилаб берувчи бир қатор хусусий кўрсаткичларни келтириб чиқариш мумкин:

- 1) **меҳнат унумдорлиги (Y/L)** – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг жонли меҳнат сарфларига нисбати;
- 2) **меҳнат сиғими (L/Y)** – жонли меҳнат сарфларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати;
- 3) **капитал самарадорлиги (Y/K)** – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг унга сарфланган капитал харажатларига нисбати;
- 4) **капитал сиғими (K/Y)** – капитал харажатларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати;
- 5) **табиий ресурслар самарадорлиги (Y/N)** – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг унга сарфланган табиий ресурслар харажатларига нисбати;
- 6) **маҳсулотнинг ресурслар сиғими (N/Y)** – табиий ресурслар сарфининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати;
- 7) **ишчи кучининг капитал билан қуролланганлик даражаси (K/L)** – ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилаётган капитал ҳажмининг ишчи кучи миқдорига нисбати.

Иқтисодий ўсишни таҳлил қилишда юқорида кўриб чиқилган кўрсаткичлардан ташқари яна **кейинги қўшилган ишлаб чиқариш омиллари унумдорлиги** кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу кўрсаткичлар, бошқа омиллар сарфи ўзгармагани ҳолда, ҳар бир алоҳида омил сарфининг қўшимча ўсиши таъсирида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қўшимча ўсиши ҳажмини белгилаб беради:

- 1) кейинги қўшилган меҳнат унумдорлиги ($\Delta Y / \Delta L$);
- 2) кейинги қўшилган капитал унумдорлиги ($\Delta Y / \Delta K$);
- 3) кейинги қўшилган табиий ресурслар унумдорлиги ($\Delta Y / \Delta N$).


Бу кўрсаткичлар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсишида ҳар бир омилнинг ҳиссасини намоён этиб, у қуйидагича аниқланади:

$$Y = (\Delta Y / \Delta L) L + (\Delta Y / \Delta K) K + (\Delta Y / \Delta N) N .$$

Иқтисодий ўсишга **тақсимлаш омиллари** ҳам таъсир қилади. Ишлаб чиқариш салоҳиятидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун нафақат ресурслар иқтисодий жараёнга тўлиқ жалб қилинган бўлиши, балки жуда самарали ишлатилиши ҳам зарур. Ресурсларнинг ўсиб боровчи ҳажмидан реал фойдаланиш ва уларни керакли маҳсулотнинг мутлоқ миқдорини оладиган қилиб тақсимлаш ҳам зарур бўлади [22].

Реал маҳсулот икки асосий усулда қўпайтирилиши мумкин **(1.2-расм):**

- 1) ресурсларнинг кўпроқ ҳажмини жалб этилиши;
- 2) улардан анча унумли фойдаланиш йўли билан.



1.2–расм. Реал маҳсулот ўсишини аниқлаб берувчи омиллар

Амалий ҳаётда иқтисодий ўсишни сусайтириб турувчи омиллар ҳам мавжуд бўладик, улар меҳнат муҳофазаси, атроф муҳитнинг ифлосланиши каби ҳолатлар натижасида келиб чиқади. Кейинги йилларда республикада давлат томонидан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ходимлар меҳнат шароитини яхшилаш ва соғлиғини муҳофаза қилишни тартибга солишда муҳим тадбирлар амалга оширилди. Бу ўз навбатида иқтисодий ўсиш суръатига салбий таъсир кўрсатади. Чунки бундай тадбирларни амалга ошириш тегишли харажатларни тақозо қилади. Шу орқали меҳнат унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган маблағлар бошқа томонга жалб қилинади.

1.2. Иқтисодий ўсиш моделлари ва уларнинг назарий жиҳатлари

Иқтисодчи олимларнинг иқтисодий ўсиш омилларини ўрганиш ҳамда унинг келгусидаги натижаларини башорат қилиш борасидаги тадқиқотлари пировардида турли иқтисодий ўсиш моделларининг яратилишига олиб келди. Бу моделлар ўз мазмунига кўра бир-бирларидан фарклансада, уларнинг асосида иккита назария–макроиқтисодий мувозанатнинг **кейнсча (кейинчалик неокейнсча)** назарияси ҳамда ишлаб чиқаришнинг **классик (кейинчалик неоклассик)** назарияси ётади.

Иқтисодий ўсишни таҳлил қилишда **неоклассик** назария намоёндалари қуйидаги нотўғри назарий шартларга асосландилар:

- 1) маҳсулотнинг қиймати барча ишлаб чиқариш омиллари томонидан яратилади;
- 2) ишлаб чиқариш омилларининг ҳар бири ўзининг кейинги қўшилган маҳсулотига тегишли равишда маҳсулот қийматини яратишга ҳиссасини кўшади. Шунга кўра, бунга жавобан барча кейинги қўшилган маҳсулотга тенг келувчи даромад ҳам олади;
- 3) маҳсулот ишлаб чиқариш ва бунинг учун зарур бўлган ресурслар ўртасида миқдорий боғлиқлик мавжуд;
- 4) ишлаб чиқариш омилларининг эркин тарзда амал қилиши ҳамда улар ўртасида ўзаро бир-бирининг ўрнини босиш имконияти мавжуд.

Бу ерда айтиш мумкинки неоклассик ва бошқа айрим йўналишдаги назариётчилар бу ерда иккита услубий хатога йўл қўядилар:

- 1) улар ишлаб чиқариш омилларининг барчаси бир хил қиймат яратади, улар қийматни яратишда барабар иштирок этади, деб ҳисоблайдилар. Холбуки, барча ишлаб чиқариш воситалари ҳеч қандай янги қиймат яратмайдилар, балки ўзларининг қийматларига тенг миқдордаги қийматни жонли меҳнат ёрдамида янги яратилган маҳсулотга ўтказадилар. Лекин барча омиллар яратилган ва ўсган (кўпайган) маҳсулотнинг нафлиликларини яратишда қатнашадилар;

2) улар доимо барча омиллар ичида жонли меҳнатнинг фаол роль ўйнашини, қолганлари эса пассив роль ўйнашини унутадилар. Чунки ҳеч бир табиий ресурс, капитал ресурслари жонли меҳнат томонидан ҳаракатга келтирилмаса, ўзича ҳаракатга кела олмаслиги, ириб-чириб ўз жойида ҳам жисмонан, ҳам қиймати йўқ бўлиб кетиши, уларнинг қиймати фақат жонли меҳнат томонидан сақлаб қолиниши миллион йиллардан бери миллиард марталаб тасдиқланиб келмоқда. Лекин негадир уларнинг бунга эътибор бергиси келмайди.

Неоклассик модель кўп омилли ҳисобланиб, америкалик иқтисодчи П.Дуглас ва математик Ч.Кобб яратган ишлаб чиқариш функцияси асос қилиб олинган. Кобб-Дуглас модели орқали ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишида ишлаб чиқариш турли омилларининг улушини аниқлашга ҳаракат қилиниб, у қуйидагича ифодаланади:

$$Y = AK^{\alpha}L^{\beta}, \text{ бу ерда:}$$

Y – ишлаб чиқариш ҳажми;
K – капитал сарфлари;
L – ишчи кучи сарфлари;
A, α , β - ишлаб чиқариш функциясининг коэффицентлари;
A – мутаносиблик коэффиценти;
 α ва β - ишлаб чиқариш ҳажмининг ишчи кучи ва капитал сарфлари бўйича эластиклик коэффиценти.

Эластиклик коэффиценти бир кўрсаткич миқдорининг ўзгариши натижасида бошқа бир кўрсаткич миқдорининг ўзгариши даражасини ифодалайди. Шунга кўра, α коэффиценти капитал сарфларининг 1% га ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг неча фоизга ўсишини, β коэффиценти эса ишчи кучи сарфларининг 1% га ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг неча фоизга ўсишини кўрсатади. α ва β нинг йиғиндиси ишчи кучи ва капитал сарфларининг бир вақтнинг ўзида 1% га ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг неча фоизга ўсишини кўрсатади [24].

Ч.Кобб ва П.Дуглас ўз тадқиқотларида АҚШ қайта ишлаш саноатининг 1899-1922 йиллар мобайнидаги иш фаолиятини таҳлил қилиб, ишлаб чиқариш функциясининг кўрсаткичларини аниқлашга ҳаракат қилганлар:

$$Y = 1,01 \times K^{0,25} \times L^{0,75}.$$

Бу кўрсаткичлар шуни англатадики, ўша даврда АҚШ қайта ишлаш саноатида капитал сарфларининг 1% га оширилиши ишлаб чиқариш ҳажмини 0,25% га, ишчи кучи сарфларининг 1% га оширилиши эса ишлаб чиқариш ҳажмини 0,75% га ошишига олиб келар экан.

Кейинчалик Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функциясини голланд иқтисодчиси Ян Тинберген янада такомиллаштириб, унга янги омил– техника тараққиёти кўрсаткичини киритди. Натижада ишлаб чиқариш функцияси формуласи қуйидаги кўринишни олди:

$$Y = AK^{\alpha}L^{1-\alpha}e^{\pi},$$

бу ерда: e^{π} – вақт омили.

Ишлаб чиқариш функциясига вақт омилининг киритилиши эндиликда нафақат миқдор, балки «техника тараққиёти» атамаси орқали уйғунлашувчи сифат ўзгаришлари–ишчи кучи малакасининг ўсиши, инновация жараёнларининг кучайиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг такомиллашуви, жамият миқёсида маълумотлилик даражасининг ошиши ва бошқаларни ҳам акс эттириш имконини берди.

Иқтисодий ўсишнинг **кейнсча модели** макроиқтисодий мувозанатнинг кейнсча назариясини ривожлантириш ва унга танқидий ёндошиш натижасида вужудга келган. Бу моделлар орасида инглиз олими Р.Харрод ва америкалик олим Е.Домарнинг иқтисодий ўсиш моделлари эътиборга молик ҳисобланади. Ҳар иккала моделнинг умумий жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар орқали шартланади [25]:

1) улар неоклассик моделлардан фаркли ўлароқ бир омилли модель ҳисобланади. Яъни бу моделларда миллий даромаднинг ўсиши фақат капитал жамғаришнинг функцияси ҳисобланиб, капитал самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ишчи кучи бандлигининг ошиши,

ФТТ ютуқларидан фойдаланиш даражасининг ўсиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг яхшиланиши каби бошқа барча омиллар назардан четда қолдирилади; 2) ишлаб чиқаришнинг капитал сиғими ишлаб чиқариш омиллари нархларининг нисбатига боғлиқ бўлмай, фақат ишлаб чиқаришнинг техник шароитлари орқали аниқланади.

Неокейнсча моделда инвестицияларнинг ўсиши иқтисодий ўсиш ва унинг суръатларини белгилловчи омил ҳисобланиб, у бир томондан, миллий даромаднинг ўсишига имкон яратади, иккинчи томондан эса, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиради. Ўз навбатида даромаднинг ўсиши бандликнинг ошишига имкон яратади. Инвестиция ҳажмининг кўпайиши натижасида кенгайган ишлаб чиқариш қувватлари даромаднинг ўсиши орқали тўлиқ ишга туширилиши лозим.

Шунга кўра, Е.Домарнинг моделида қуйидаги тенглик орқали мувозанатнинг таъминланиши шарт қилиб қўйилади:

$$\begin{array}{ccc} \text{Пул даромадининг} & & \text{Ишлаб чиқариш қувватларининг} \\ \text{қўшимча ўсиши} & = & \text{қўшимча ўсиши (таклиф)} \\ \text{(талаб)} & & \end{array}$$

Бу тенгликни формула тарзида ёзилса, у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\Delta I \times \frac{1}{a} = I \times \sigma \quad \text{ёки} \quad \frac{\Delta I}{I} = \sigma \times a, \quad \text{бу ерда:}$$

I – ҳар йиллик соф капитал қўйилмалар;

ΔI – соф капитал қўйилмаларнинг қўшимча ўсиши;

$\Delta I/I$ – соф капитал қўйилмаларнинг ўсиш суръати;

$1/a$ – мультипликатор, бу ерда a – жамғаришга бўлган ўртача мойиллик;

σ – капитал самарадорлиги.

Шундай қилиб, иқтисодиётдаги ишчи кучининг тўла бандлигини ҳамда ишлаб чиқариш қувватларининг тўлиқ ишлашини таъминловчи соф инвестициялар ёки капитал қўйилмаларнинг ўсиш суръати $\sigma \times a$ га тенг бўлиши лозим. Агар иқтисодиётдаги инвестицияларнинг потенциал ўртача самарадорлиги 0,3 га, жамғаришга бўлган ўртача мойиллик 0,2 га тенг бўлса, у ҳолда инвестицияларнинг ўсиш суръати 6% ($0,3 \times 0,2 \times 100\%$) га тенг бўлади.

Р.Харроднинг иқтисодий ўсиш модели инвестиция ва жамғармалар ўртасидаги макроиқтисодий мувозанат, яъни $I = S$ га асосланади. У статик ҳолдаги макромувозанат учун алоҳида, динамик ҳолдаги макромувозанат учун алоҳида формуладан фойдаланади. 1-формула қуйидаги кўринишда бўлади:

$$G \times C = S, \quad \text{бу ерда:}$$

G – миллий даромаднинг ўсиш суръати ($\Delta Y/Y$);

C – капитал сиғими ($I/\Delta Y$);

S – миллий даромад таркибидаги жамғаришнинг улуши (S/Y).

2-формула қуйидаги кўринишда ўз ифодасини топади:

$$G_w \times C_r = S, \quad \text{бу ерда:}$$

G_w – ҳақиқий жамғарма ва тахмин қилинаётган инвестициялар ўртасидаги динамик мувозанатни таъминловчи ўсишнинг кафолатланган суръати;

C_r – капитал коэффицентининг талаб этилаётган миқдори.

Неокейнсчиларнинг фикрига кўра бозор иқтисодиёти шароитида доимий кафолатланган ўсиш суръатига автоматик равишда эришиб бўлмаслиги сабабли, улар динамик мувозанатга эришиш учун иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш зарурлиги тўғрисидаги хулосага келдилар.

Иқтисодий ўсишнинг муҳим моделларидан бири бўлиб **тармоқлараро баланс** ҳисобланади. Тармоқлараро баланснинг дастлабки назарий асослари собиқ иттифок даврида ишлаб чиқилган эди. Кейинчалик у асли Россиялик бўлган ҳамда АҚШга ўтиб кетган иқтисодчи В.Леонтьев томонидан «**ҳаражатлар – ишлаб чиқариш**» модели сифатида такомиллаштирилган ҳолда ишлаб чиқилди [21].

Тармоқлараро баланс моделида бир тармоқдаги пировард талаб ёки ишлаб чиқариш шароитидаги ўзгаришлар бошқа барча ўзаро боғлиқ тармоқларнинг миқдорий таъсирини

кузатиш орқали ўрганилади. Бу эса қандайдир товарга бўлган эҳтиёжлар ёки уни ишлаб чиқариш технологиясидаги ҳар қандай ўзгаришлар мувозанатлашган нархлар таркибини ўзгартириб, технологик коэффициентларнинг ҳам ўзгаришига олиб келишини англатади.

«Харажатлар – ишлаб чиқариш» тармоқлараро баланси усули нафақат иқтисодиёт турли тармоқлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрганишга, балки мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини, унинг тармоқлар тузилмасининг ўзгариши ва иқтисодий ўсиш суръатларини башоратлашга имкон яратади.

Иқтисодий ўсиш моделлари тўғрисида сўз юритилганда «ноль даражадаги иқтисодий ўсиш» концепциясига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур концепцияга XX асрнинг 70-йилларида асос солинган. Бу концепция тарафдорларининг фикрича техника тараққиёти ва иқтисодий ўсиш атроф-муҳитнинг ифлосланиши, табиатга захарли моддаларнинг чиқарилиши, шаҳар қиёфасининг ёмонлашуви ва бошқа шу каби кўплаб салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Аҳоли сонининг тезлик билан кўпайиб бориши, ишлаб чиқариш микёсларининг кенгайиши натижасида ишлаб чиқариш, айниқса табиий ресурсларнинг камайиб бориши пировардида иқтисодий ўсиш чегараларини чеклаб қўяди. Бунинг оқибатида очарчилик, атроф-муҳитнинг бузилиши, ресурсларнинг тугаши рўй бериб, тез орада аҳоли сони ва саноат ишлаб чиқариш ҳажми кескин қисқара бошлайди. Шунга кўра, «ноль даражадаги иқтисодий ўсиш» концепцияси тарафдорлари иқтисодий ўсишни мақсадга мувофиқ равишда маълум чегарада ушлаб туриш зарур, деб ҳисоблайдилар. Улар иқтисодий ўсиш товар ва хизматлар ҳажмининг кўпайишини таъминлашини тан олсаларда, бу ўсиш бир вақтнинг ўзида турмуш даражасининг юқори сифатини таъминлай олмаслигини таъкидлайдилар.

Ўз навбатида, мазкур концепция муҳолифлари иқтисодий ўсишнинг юқори даражасини ёклаб, унинг ўзи чексиз эҳтиёжлар ва чекланган ресурслар ўртасидаги зиддиятни юмшатишини, айнан юқори даражадаги ўсиш шароитида жамиятнинг ижтимоий заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш имконияти вужудга келишини кўрсатадилар. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши эса иқтисодий ўсиш оқибати бўлмай, у табиий ресурслардан фойдаланишдаги нарх шаклланиш тизимининг нотўғрилигидан келиб чиқади. Шунга кўра, мазкур муаммоларни ҳал этиш учун табиий ресурслардан фойдаланишда қонуний чекловлар ёки махсус солиқларни киритиш, ифлослантириш ҳуқуқи бозорини шакллантириш лозимлигини таъкидлайдилар.

Албатда иқтисодий ўсишда миллий бойлик асосий рол ўйнайди. Миллий бойлик инсоният жамияти тараққиёти давомида аждодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий, номоддий ва интеллектуал ҳамда табиий бойликлардан иборатдир. Миллий бойликни шартли равишда қуйидаги учта йирик таркибий қисмларга ажратиш мумкин:

1. Моддий-буюмлашган бойлик.
2. Номоддий бойлик.
3. Табиий бойлик.

Моддий-буюмлашган бойлик охир-оқибатда ишлаб чиқаришнинг, унумли меҳнатнинг натижаси ҳисобланади. У ишлаб чиқариш яратилганда маҳсулотларнинг жорий истеъмол қилишдан ортиқча қисмини жамғариш оқибатида вужудга келади ва ўсиб боради.

Аммо моддий-буюмлашган бойликни қатор йиллардаги йиллик ялпи маҳсулотлар йиғиндиси сифатида тасаввур қилиш нотўғри бўлар эди. Чунки бу бойликнинг бир қисми ҳар йили ишдан чиқариб, қайтадан янгиланиб туради (ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари). Шу сабабли ишлаб чиқариш воситаларининг ўрнини қоплаш билан бир вақтда ялпи маҳсулотнинг фақат бир қисми моддий-буюмлашган бойлик сифатида жамғарилиб борилади. Демак, қоплаш фонди ва моддий буюмлашган бойликнинг ўсиши ялпи миллий маҳсулот ҳисобига амалга оширилади.

Миллий бойликнинг инсон меҳнати билан яратилган моддий қисми қиймат шаклига эга бўлиб, таркибий тузилиши бўйича қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ишлаб чиқариш хусусиятидаги асосий капитал (фондлар)

- ноишлаб чиқариш хусусиятидаги асосий капитал (фондлар);
- айланма капитал (фондлар);
- тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган қисми;
- моддий захиралар ва эҳтиёжлар;
- аҳолининг уй, томорқа ва ёрдамчи хўжалигида жамғарилган мол-мулк.

Моддий-буюмлашган бойлик ўсишининг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортиши;
- миллий даромадда жамғариш нормасининг ортиши.

Моддий-буюмлашган бойлик ишлаб чиқаришнинг натижаси ва шарт-шароити ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, бир томондан маҳсулотдан миллий бойлик томон ҳаракатда бойликнинг истеъмол қилинган қисмининг қопланиши ва унинг кўпайиши рўй беради. Бошқа томондан миллий бойлик ишлаб чиқаришнинг моддий шарт-шароити, унинг моддий-техникавий асоси ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ва миқёси миллий бойликдан фойдаланиш хусусиятига боғлиқ бўлади.

Миллий бойликнинг бошқа қисми табиий бойликлар ишлаб чиқаришнинг омили бўлиб иштирок этади, унинг шарт-шароитини ва инсон фаолиятининг ташқи муҳитини ташкил қилади. Табиий бойликнинг асоси табиат маҳсули бўлиб, унинг вужудга келиши табиат қонунлари асосида рўй беради, улардан фойдаланиш жамият ривожига ҳам боғлиқ бўлади. Фойдали қазилма бойликлар, ўрмонлар, сув ва ер ресурслари табиатан мавжуд бўлсада, ишлаб чиқаришда фаол қатнашади.

Табиат инъомлари ўзларининг дастлабки кўринишида табиий бойлик бўлиб, шу ҳолатида инсон фаолиятининг натижаси ҳисобланган ижтимоий бойлик таркибига кирмайди. Бунинг маъноси шуки, табиий бойликлар жамият учун фақатгина потенциал бойлик ҳисобланади. Улар инсон меҳнатининг таъсири оқибатида реал бойликка айланади.

Миллий бойлик нафақат моддий ишлаб чиқариш соҳаларида яратилади. Унинг бир қисми номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида вужудга келтирилади ва жамиятнинг номоддий бойлиги ҳисобланади. Номоддий соҳаларда ашёвий-буюм шакл билан боғлиқ бўлмаган алоҳида турдаги истеъмол қийматлар ҳосил қилинади. Улар ҳам моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг фаолият қилиши ва ривожланиши учун, шунингдек бевосита аҳолининг турмуш даражасини таъминлаш ва ошириб бориш учун зарур бўлади. Бундай бойликларга таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, санъат, спорт соҳаларида вужудга келтириладиган номоддий қимматликлар киради. Унинг таркибида тарихий ёдгорликлар, архитектура обидалари, ноёб адабиёт ва санъат асарлари алоҳида ўрин тутаяди.

Жамиятнинг номоддий бойликларида маданият ва санъатнинг ривожланиш даражаси, жамият аъзоларининг тўплаган илмий билимлари ва интеллектуал даражаси, ишловчиларнинг ихтисослиги ва малакавий билим даражаси, соғлиқни сақлаш, таълим ва спортнинг ривожланиш даражаси ўз ифодасини топади. Шундай қилиб, миллий бойлик моддий буюмлашган ва табиий бойликлардан анча кенг тушунча бўлиб, ўз таркибига жамиятнинг номоддий тавсифдаги қимматликларини ҳам олади.

1.3. Жаҳон молиявий инқирозини Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатувчи омиллар

Иқтисодий ўсишга маълум бир омиллар, яъни тўсатдан вужудга келган инқирозлар ҳам таъсир этади. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини кўриб чиқиш мумкин. Бу борада Президентимизнинг «...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми

ҳисобланади»² деган сўзларини яна бир бор эсга олиш муҳимдир. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнларидаги иштироки ҳам ушбу инқироз оқибатларининг маълум даражада иқтисодийтимизга ўз таъсирини кўрсатиши мумкинлигидан дарак беради.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда, бошқа МДХ мамлакатлари сингари, давлат ва жамият қурилишининг қандай тамойиллари ва усуллари асосланиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётини белгилашда қайси йўлдан бориш масаласи кўндаланг турар эди.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, молиявий инқирознинг республикаимиз иқтисодиётига таъсири бошқа ривожланган ва айрим қўшни давлатлардагига қараганда мазмунан фарқ қилади. Агар бошқа мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молия тизимининг издан чиқиши ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариб кетиши, кўплаб йирик корхоналарнинг ёпилиши орқали намоён бўлса, бизда жаҳон хомашё бозорларида талабнинг сусайиши туфайли нархларнинг кескин пасайиши ҳамда бунинг оқибатида экспорт даромадларининг сезиларли камайиши, асосий савдо ҳамкорларимизнинг харид қобилиятининг пасайиши натижасида ташқи савдо айланмасининг қисқариши орқали намоён бўлади.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислохот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини қўяр эканмиз, «шок терапияси» деб аталган усуллари бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик»³.

Шу билан бирга, бугунги кунда кўплаб етакчи олим ва мутахассисларимиз томонидан иқтисодиётимизда молиявий инқирознинг салбий оқибатлари таъсирини пасайтирадиган омиллар мавжудлиги таъкидланмоқда. Иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг фикрларига кўра, мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига инқироз оқибатлари аҳамиятли таъсир кўрсатадиган даражада интеграциялашмаганлиги, мамлакатимизда катта ҳажмдаги хорижий капитални ушлаб турувчи компания ва молиявий институтларнинг йўқлиги, хусусийлаштириш механизми ва шарт-шароитлари натижасида деярли барча устав фондларининг корхоналарнинг реал хусусий активлари билан таъминланганлиги каби ҳолатлар асосида инқирознинг салбий таъсири у қадар катта бўлмаслиги мумкин.

Аксинча, ҳозирги инқироз эҳтимол тутилаётган салбий таъсирлардан ташқари биз учун ижобий таъсирларга ҳам эга бўлиши, янги имкониятларни вужудга келтириши мумкин. АҚШ ва Европадаги инвесторлар акциялардан бош тортиб, ўз активларини бўшатмоқдалар. Моҳиятига кўра, қайтадан қандайдир ишга жалб этилиши зарур бўлган ресурсларни бўшатиш жараёни бормоқда. Демак, янги бозорларни, янги имкониятларни излаш бошланади. Инвесторлар капитал киритишнинг муқобил йўллари кидирадилар. Ғарб бозорлари турғунликка юз тутган чоғда ривожланаётган мамлакатлар бозорлари ўсишнинг ижобий динамикасини кўрсатади. Шундай мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, кўплаб инвесторлар Ўзбекистон бозорига эътибор қаратишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шунингдек, жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирининг жиддий бўлмаганлигини қўйидаги **омиллар** билан изоҳлаш мумкин:

- маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танланганлиги;
- давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини аниқ белгилаб олинганлиги;
- Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, -11 б.

³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, -7 б.

ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;

- оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги;
- аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги;
- давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли экани, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади.

Ҳозир Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13,3% ни ташкил этмоқда, экспорт ҳажмига нисбатан эса 31% дан ошмайди. Бу ўз навбатида мамлакатимизнинг халқаро даражадаги тўлов қобилиятга эгаллигини ифодалайди.

Республикамызда доимо қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатларга, имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этилди. Натижада миллий иқтисодиётимизнинг халқаро кредитлар бозоридаги конъюнктурага кескин боғлиқлигини ва молиявий инқирознинг салбий оқибатларининг олди олинди.

2007-2008 йилларда ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 мартадан кўпроқ ошди. Бу ҳолат миллий иқтисодиётимизнинг юқори инвестицион салоҳиятга эга бўлаётганлиги ва ҳукуматимиз томонидан яратилаётган қулай инвестицион муҳит билан бевосита боғлиқдир.

Натижада 2008 йилда 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, уларнинг 70% тўғридан-тўғри жалб қилинадиган инвестициялар улушига тўғри келади. Жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожланиши учун стратегик аҳамиятга эга бўлган реал секторларини модернизация қилишга йўналтирилган.

Инвестиция дастури доирасида 2009 йилда 1,8 миллиард АҚШ долларида ортиқ хорижий инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланганлиги истикболдаги барқарор иқтисодий ўсиш жараёнлари кузатилиши кутилаётганлигидан далолат беради. Мазкур хорижий инвестицияларнинг 75% тўғридан-тўғри инвестициялар улушига тўғри келади.


Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ташқи дунё билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларни амалга оширишимизда хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларига асосланган инвестицияларига эҳтиёж мавжуд. Қолаверса, жаҳон бозоридаги талабнинг пасайиб бориши маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналаримизни экспорт кўламига жиддий таъсир кўрсатади.

Шунга асосланган ҳолда, ҳукуматимиз томонидан инқирозга чоралар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур дастурда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-тадбирлар мажмуи ўз аксини топди.

1.4. Жаҳон молиявий инқирози шароитида миллий иқтисодиётда иқтисодий ўсиш омиллари

Президентимиз жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизнинг 2008 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатганлигини таъкидлаб ўтдилар. «Бундай таъсир, – деб ёзиладар Президентимиз ўз асарларида, – авваламбор, умуман дунё бозоридаги талаб ва нархларнинг кескин тушиб кетишида ва табиийки, мамлакатимиз экспорт қиладиган маҳсулотларнинг муҳим турларига нисбатан ҳамда экспортга йўналтирилган етакчи тармоқлар ва улар билан боғлиқ турдош корхоналар фаолиятида намоён бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бутун иқтисодиётимизнинг мутаносиб ва самарали ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, кўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш, ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш йўлида кўплаб муаммоларни туғдирмоқда. Мухтасар айтганда, 2008 йил биз учун, биринчи навбатда мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлди. Лекин, юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва амалга оширилган тадбирлар эвазига 2008 йилда

иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришдик»⁴.



1.4-расм. ЯИМнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда

Ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди (1.1-жадвал).

1.1-жадвал. Ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таркиби (%)

Кўрсаткичлар	Йиллар								
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Саноат	14,2	14,1	14,5	15,8	17,5	20,7	22,1	24,0	22,3
Қишлоқ хўжалиги	30,1	30,0	30,1	28,6	26,4	25,0	24,0	21,7	19,4
Қурилиш	6,0	5,8	4,9	4,5	4,8	4,9	5,1	5,5	5,6
Хизматлар соҳаси	37,2	38,2	37,9	37,4	37,2	38,4	39,5	39,4	43,3
Соф солиқлар	12,5	11,9	12,6	13,7	14,1	11,0	11,1	9,5	9,3

Жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирлари саноат ишлаб чиқаришида нисбатан кўпроқ намоён бўлиши натижада унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилдаги 24 фоиз ўрнига 2008 йилда 22,3 фоизни ташкил этган. Қишлоқ хўжалиги салмоғининг 19,4 фоизга қадар пасайиши эса мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибининг такомиллашиб, унда саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши йилдан-йилга ошиб бораётганлигини англатади. Айни пайтда ялпи ички маҳсулот таркибидаги соф солиқлар ҳиссасининг 9,3 фоизга қадар қисқарганлиги мамлакатимиздаги солиқ юкининг тобора пасайиб бораётганлиги кўрсатади.

Пухта ўйланган қатъий пул-кредит сиёсатини изчил олиб бориш туфайли инфляцияни кўзда тутилган прогноз кўрсаткичлари чегарасида, яъни йиллик 7,8 фоиз даражасида сақлаб қолишга эришилди.

Молиявий инқирознинг салбий таъсирига қарамай, 2008 йилда иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ҳам ижобий ўсиш суръатларига эришилди. Масалан, олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати саноатда 12,7 фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоизни ташкил этди, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди (1.2-жадвал).

Иқтисодиётнинг бошқа муҳим тармоқлари ҳам барқарор суръатлар билан ривожланди: қурилиш – 8,3 фоиз, транспортда юк ва йўловчи ташиш ҳажми – 10,2 фоиз, савдо соҳаси – 7,2 фоизга ўсди.

⁴ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, -15 б.

1.2-жадвал. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги ўсиш суръатлари, фоизда

Кўрсаткичлар	Йиллар								
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Саноат маҳсулоти	105,9	107,6	108,3	106,2	109,4	107,3	110,8	112,1	112,7
Истеъмол моллари ишлаб чиқариш	106,2	107,6	108,4	108,5	113,5	116,6	120,7	118,8	117,7
Қишлоқ хўжалиги	103,1	104,2	106,0	107,3	108,9	106,2	106,2	106,1	104,5
Хизмат кўрсатиш	115,7	114,7	108,6	109,5	113,8	116,3	120,1	126,6	121,3
Қурилиш ишлари	103,0	103,4	103,4	103,7	104,3	110,7	115,0	115,7	108,3
Транспортда юк ва йўловчи ташиш ҳажми	112,8	102,2	106,3	107,4	106,3	111,0	107,5	111,5	110,2
Чакана савдо айланмаси	107,6	109,6	102,1	104,2	105,2	105,1	114,7	121,0	117,2

Қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам муҳим ижобий натижалар қўлга киритилиб, ўтган йилга нисбатан 4,5 фоиз ўсишга эришилди. 3 миллион 410 минг тонна пахта хомашёси тайёрланди, 6 миллион 330 минг тонна ғалла, шу жумладан, 6 миллион 145 минг тонна буғдой етиштирилди. Аксарият қишлоқ хўжалиги маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш бўйича ўсишга эришилди (**1.3-жадвал**).

1.3-жадвал. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларининг ишлаб чиқарилиши

Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2007 йил	2008 йил	Ўсиш суръати, %да
Сабзавотлар	минг тонна	4669,9	5217,4	111,7
Картошка	минг тонна	1188,1	1398,7	117,7
Полиз маҳсулотлари	минг тонна	840,0	981,2	116,8
Мевалар	минг тонна	1269,1	1402,8	110,5
Узум	минг тонна	880,3	791,0	89,9
Гўшт	минг тонна	1208,6	1287,9	106,6
Сут	минг тонна	5097,4	5426,3	106,5
Тухум	млн. дона	2214,7	2429,0	109,7

Жадвалдан кўринадики, 2008 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида картошка (117,7%), полиз маҳсулотлари (116,8%), сабзавотлар (111,7%) етиштириш нисбатан аҳамиятли даражада ўсган бўлса, фақат узум ўтган йилга таққослаганда 89,9% даражасида етиштирилган.

Умуман олганда, юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, 2008 йилнинг жаҳон мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон иқтисодиёти учун ғоят мураккаб ва оғир бўлганлигига қарамай мамлакатимизда асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг юқори даражасига эришилди. Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги таҳлиллар асосида қарайдиган бўлсак, бугунги кунда миллий иқтисодиётни иқтисодий ўсиш даражасини илмий жиҳатдан кенгрок кўриб чиқишга тўғри келади. Ушбу ҳолни қуйидаги бўлимда қараб чиқамиз.

II-БОБ. БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

2.1. Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмуни ва аҳамияти

Президентимиз ўз асарларида 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастуримизнинг энг устувор вазифаларини белгилаб олишда жаҳон иқтисодий инқирозининг таъсири ва оқибатларини етарлича тўлиқ ҳисобга олиш қанчалик муҳим экани ҳақида тўхталиб ўтдилар. Дунёнинг нуфузли экспертлари томонидан билдирилаётган фикрларга кўра, бу инқироз 2009 йилда ва 2010 йилда ҳам давом этиши ва эҳтимол янада чуқурлашиши кутилмоқда.

Мазкур жараённинг мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги ҳамда аҳоли фаровонлигига таъсирини ҳар томонлама ва жиддий баҳолаган ҳолда Президентимиз **«мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади»⁵**, деб белгилаб бердилар.

Ўзбекистонда ҳам молиявий инқирознинг олдини олиш борасида иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришилган эди. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури тасдиқланиб, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича аниқ ижрочиларга етказилди. Дастур ижросини қатъий назорат қилишни таъминлаш мақсадида ҳукумат комиссияси ва жойларда ҳудудий гуруҳлар ташкил этилди.

Молиявий инқироз шароитида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар орқали ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2008 йил 18 ноябрь), жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашнинг таъминлаш, ишчи кучи бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашнинг таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) Фармонлари шулар жумласидандир. Хусусан кейинги Фармонда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган:

- маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

- давлат бюджетидан 491 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар тижорат банклари устав жамғармаларини ва кредит ресурсларини кўпайтиришга йўналтириш орқали банклар томонидан экспорт қилувчи корхоналарга, айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш;

- 2009 йилда энергия ресурслари нархларининг ўсиш даражасини 6-8 фоиздан оширмаслик;

⁵ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

- иқтисодийда инфратузилмани тубдан яхшилаш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида «Ўзбек миллий автомагистрали» лойиҳасини, яъни 4 қаторли халқаро автомобиль йўли қурилишини амалга ошириш;


- кичик бизнес ва тадбиркорликни, айнан янги ташкил қилинаётган кичик корхоналарни имтиёзли кредит ресурслари орқали қўллаб-қувватлаш;

- маҳаллийлаштириш дастурига асосан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш миқдорини 3,1 баробарга ва шу борадаги лойиҳалар сонини 3,5 баробарга ошириш ва ҳоказо.

Ўз моҳиятига кўра ушбу чора-тадбирлар Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмунини ҳам ифода этиб, уларнинг изчил ва тўлиқ амалга оширилиши жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг мамлакатимиз иқтисодийётига таъсирини пасайтиради ва барқарор ривожланиш учун қулай шарт-шароит ва имкониятларни яратади.

Президентимиз ўз асарларида Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб бердилар.

Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодийётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Шунга кўра, ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир (**2.1-расм**).



2.1-расм. Иқтисодийёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари

Маълумки, мамлакатимиз етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича турли муддатларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган ва изчил равишда амалга ошириб келинмоқда (**1-иловага қаранг**).


Бу ўринда мазкур тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилмоқда. Ўз навбатида, бу мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

Иккинчидан – жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омилар яратиш, хусусан:

– айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

– тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан – қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно – озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

– банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш (2.2-расм).




2.2 – расм. Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чоралари

Учинчидан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.

Шу мақсадда яқинда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чоратадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқулланганини қайд этиш лозим.

Бунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолият йўналиши бўйича таннархни пасайтириш омиллари тўғрисида кенг ва чуқур тасаввурга эга бўлиши лозим. Умумий ҳолда, мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир (2.3-расм).



2.3 - расм. Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари

Маҳсулот таннархнини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан бир неча йирик ишлаб чиқариш корхоналарида амалий тажрибалар ўтказиб кўрилди. Жумладан, Тошкент трактор заводининг маҳсулотлари таннархнини 20% га камайтириш бўйича

2008 йил декабрь ойида ўтказилган амалий тажриба орқали таннархнини оптималлаштиришнинг қуйидаги усуллари қўлланилди:

- импорт ресурслари нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш (-24%);
- материаллар сарфи меъёрларини қайта кўриб чиқиш (-0,06%);
- локализация даражасини кучайтириш орқали таннархнини камайтириш (-1%);
- маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш (-0,05%);
- фойдаланилмаётган қувватларни консервация қилиш (-2%);
- ишчилар ва ходимлар сонини оптималлаштириш (-0,3).

Тўртинчидан — электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш. Жумладан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташаббуси билан амалга оширилаётган электр энергияси таъминоти тизимига хусусий операторларни жорий қилиш бўйича амалий тажриба натижаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мазкур амалий тажрибани ўтказишдан мақсад фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, истеъмолчилар ҳисоб-китобини тўғри йўлга қўйиш ҳамда истеъмол даврида электр энергияси йўқотишларни камайтиришдан иборат эди.

Ушбу мақсадга эришиш учун Тошкент шаҳар Бектемир тумани мисолида электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш бўйича мустақил (хусусий) операторни жалб қилиш механизми ишлаб чиқилди. Бунда хусусий операторни танлаш бўйича махсус комиссияси тузилиб, тариф сиёсати ва шартнома лойиҳалари қатъий келишиб олинди. Жумладан, хусусий операторни танлаш шартлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- тегишли бизнес режанинг мавжуд бўлиши;
- ҳўжалик юритиш фаолияти бўйича камида 2 йил иш тажрибасига эга бўлиши;
- электр энергиясини сотиш фаолияти учун камида муайян тумандаги электр энергияни истеъмол қилишнинг 3 ойлик миқдорига тенг молиявий маблағларга эга бўлиши;
- мавжуд дебиторлик қарздорликни ундиришни ўз зиммаси олиши;
- максимал баллга эга бўлиши ва шартнома тузиши;
- 30% миқдоридagi олдиндан тўлов ҳамда ҳар ойнинг якунидан сўнг 30 кун давомида якуний ҳисоб-китоб ҳисоботларини амалга ошириши.

Шундай танловларда ғолиб чиққан хусусий операторлардан бири ДХО «Shosh Energo» корхонаси ҳисобланади. Ушбу корхонани электр энергиясини сотиш хизматига жалб қилиш орқали эришилган иқтисодий самарани қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (2.1-жадвал).


2.1-жадвал. ДХО «Shosh Energo» корхонасини электр энергиясини сотиш хизматига жалб қилиш орқали эришилган иқтисодий самара

Кўрсаткич	Тажрибадан олдинги ҳолат	Тажрибадан кейинги ҳолат	Натижа, фоизда
Мавжуд дебиторлик қарзлари, млн.сўм	3379,0	443,0	- 86
Жисмоний шахс бўлган абонентлар сони	9883	10122	+ 2
Юридик шахс бўлган абонентлар сони	326	426	+ 31
Электр энергиясидаги йўқотиш миқдори, фоиз	36,4	15,6	- 20,8 (мутлак) - 57 (нисбий)

Жадвалдан кўринадики, электр энергияси сотиш хизматини хусусий операторга ўтказилиши натижасида мавжуд дебиторлик қарзлари 86% га қисқарган, абонентлар сони жисмоний шахслар бўйича 2%, юридик шахслар бўйича 31% га ортган, электр энергиясидаги йўқотиш миқдори мутлақ ҳолда 20,8% га, нисбий ҳолда эса 57% га пасайган.

Бундай илғор тажрибани оммалаштириш мақсадида ҳозирги кунда хусусий операторлар Тошкент шаҳрининг Бектемир, Сирғали, С.Раҳимов туманларида ҳам ташкил этилиб, фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, хусусий операторларни жалб қилиш бўйича Андижон, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ишлар бошланган. Бундан ташқари, хусусий операторларни табиий газ ва сув таъминоти тизимига жалб қилиш бўйича кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда⁶.

Бешинчидан – жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари аҳамиятли ўрин тутди (**2.4-расм**).



2.4 – расм. Маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилган лойиҳалар ва уларда иштирок этган корхоналар сони

2.4-расмдан кўринадики, 2004 йилда 201 та маҳаллийлаштириш лойиҳаси доирасида 135 та корхона иштирок этган бўлса, 2008 йилга келиб лойиҳалар сони 310 тага, уларда иштирок этган корхоналар сони эса 166 тага етган.

2.2-жадвал. 2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури

Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	2009 йил (мўлжал)	
		Сони	Ўсиш сурати, %
Амалга оширилган лойиҳалар сони	бирлик	1056	346,2
Корхоналар сони	бирлик	364	222,0
Ишлаб чиқариш ҳажми			
амалдаги нархларда	млрд. сўм	5 736,7	185,3
солиштирма нархларда	млрд. сўм	4 861,6	189,0
Экспорт ҳажми	млн. долл.	1 101,6	133,0
Маҳаллийлаштирилган	%	18,4	

⁶ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг минтақавий семинарлари материаллари, 14 январь– 1 февраль 2009 йил.

маҳсулотнинг ялпи саноат ишлаб чиқаришдаги улуши			
Импорт ўрнини босиш самарадорлиги	млн. долл.	4 058,6	173,3

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳозирда 2009 йилга саноат кооперация негизида тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури, Ўзбекистон электротехника саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш дастури, «Ўзбекчармпойабзали» ассоциацияси корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш дастури, Ўзбекистон миллий автомагистралли қурилиши дастури ва бошқалар ишлаб чиқилмоқда. Айниқса, бу вазифани бажаришда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини кенгайтириш катта ўрин тутди. Ушбу дастур доирасидаги лойиҳалар ҳажмини 3-4 баробар кўпайтириш мўлжалланмоқда (**2.2-жадвал**).

Юқорида кўриб чиқилган асосий вазифаларнинг изчил ва оғишмай бажарилиши пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг янада барқарор ва юқори суръатлардаги ўсиши ҳамда жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларини камайтиришга имкон яратади.

2.2. Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётда иқтисодий ўсиш

Президентимиз Ислон Каримов 21 январь 2011 йил **“Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусида** 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида маъруза қилдилар.

Маърузада кўрсатилишича мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганини қайд этилди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари **2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни** ташкил этди. Жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир (**2.3-жадвал**).

Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди. Харид имкониятлари мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда санаганда, ялпи ички маҳсулотнинг 2010 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши 2,6 каррани ташкил қилди.

2.3-жадвал. Асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Млрд. сўм	2009 йилга нисбатан % ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	61831,2	108,5
Саноат маҳсулоти	33580,5	108,3
Истеъмол товарлари	11262,8	112,0
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	15810,7	106,8
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	15409,1	109,2
Қурилиш ишлари	8174,6	108,1
Юк айланмаси, млрд.тн-км	75,8	100,0
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи-км	77,2	109,0
Чакана товар айланмаси	21448,9	114,7

Пуллик хизматлар	7919,8	113,4
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ. долл.	21844,2	103,0
Экспорт	13044,5	110,8
Импорт	8799,7	93,2

Ўз-ўзидан равшанки, буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Иқтисодиётимизда 2010 йили юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳолининг реал даромадлари 123,5 фоизга ошди, ўтган йилда инфляция даражаси 2009 йилдаги 7,4 фоиз ўрнига 7,3 фоизни ташкил қилди.

Бундай иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсат билан боғлиқ. Жумладан, 2010 йилда юридик шахслар учун даромад солиғи 9 фоизгача, микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 7 фоизгача туширилгани бунинг амалий тасдиғидир. Шу борада ўтган йили Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан ошириб, яъни 0,3 фоиз профитсит билан бажарилганини таъкидлаш зарур.

2010 йилда ташқи савдо ва тўлов баланслари ҳам сезиларли даражада мустаҳкамланди. Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида экспортнинг умумий ҳажми 10,8 фоиз, ташқи савдо балансининг ижобий салдоси эса 1,8 баробар ошди ва 4 миллиард 200 миллион долларни ташкил этди. Мамлакатимизнинг олтин-валюта захираси ҳам шунга мувофиқ равишда кўпайди.

Собиқ совет тизимидан бир томонлама ривожланган, фақат хомашё етиштиришга йўналтирилган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли даражада авжига чиққан, ишлаб чиқариш ва сотсиал инфратузилмаси ўта қолоқ, аҳоли жон бошига истеъмол кўрсаткичи энг паст бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди. Шунинг эътиборга оладиган бўлсак, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Иқтисодиётимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларни қуйидаги рақамлар асослайди. Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайиб бораётган бир шароитда ушбу соҳада маҳсулот етиштириш юқори суръатлар билан кўпаймоқда. 2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради.

Бизнинг бу борадаги энг катта ютуғимиз ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошганида намоён бўлмоқда. 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди.

2010 йилда саноат ишлаб чиқариш таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотнинг улуши 50 фоиздан зиёдни ташкил этди. Мамлакатимиз саноат корхоналари томонидан ўтган 2010 йили 160 дан ортиқ турдаги янги товар ва маҳсулотлар, жумладан, мутлақо янги технологик платформа негизида “Спарк” енгил автомобиллини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, катта ҳажмда юк ташийдиган “МАН” автомобилларини, энергия тежайдиган лампалар, “ЭлЖи” русумидаги жаҳонга машҳур холодилникларни йиғиш, калий ўғитлари ва бошқа муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш бошлаб юборилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2010 йилда 1 минг 76 та лойиҳа амалга оширилди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ошди, импорт

ўрнини босиш бўйича якуний самарадорлик 3 миллиард 400 миллион долларни ташкил қилди ва бу 2009 йилга нисбатан 1,2 баробар кўп демакдир.

Корхоналар ўртасида кооператция алоқалари мустаҳкамланмоқда, бу жараёнга кичик корхоналар ва хусусий бизнес субъектлари тобора кенг жалб қилинмоқда. 2010 йилда ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооператсион биржада дунёнинг 51 мамлакатидан 700 дан ортиқ хорижий фирма ва компания вакиллари қатнашди, 500 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот намойиш этилди, қиймати 2 триллион 600 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди.

2010 йили мамлакатимиз молия-банк тизими ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. 2010 йилда тижорат банкларининг жами капитали 36 фоизга ортди ва банкларимиз эришган 23 фоиз микдоридаги капиталнинг етарлилик даражаси дунёда қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баробардан кўпдир. Фақат ўтган йилнинг ўзида депозитлар ҳажми 1,5 баробардан зиёд ошди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки “Фитч Рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” деган рейтинг даражасига эгадир. Банкларнинг кредит ва инвестиция фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. 2010 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35 фоизга кўпайди. Шуниси эътиборга лойиқки, 2010 йилнинг охиридаги ҳолат бўйича ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги ялпи улуши 85,1 фоизни ташкил этди.

Ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизатсия қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинди. Банкларнинг кредит портфели таркибида ҳам сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Умумий кредит портфелида узоқ муддатли, яъни 3 йилдан ортиқ муддатга бериладиган инвестиция кредитларининг улуши 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан 2010 йилнинг охирида 75,2 фоизга ўсди.

2010 йил давомида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 1,4 баробар кўпайди ва 2 триллион 700 миллиард сўмни ташкил этди. Жумладан, микрокредитлар ҳажми 485 миллиард сўмдан ортиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайди. Тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги тижорат банкларининг фаолияти юксак баҳолашга моликдир.

Биз жорий этган бундай механизм банкрот корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизатсия қилиш, техник ва технологик янгилаш учун банклар томонидан қўшимча инвестиция киритиш, ана шундай корхоналарни молиявий соғломлаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва замонавий бошқарув усуллари татбиқ этиш, шунингдек, иш ўринларини қайта тиклаш ва янги иш ўринларини яратишни кўзда тутди.

Шу тариқа фаолият кўрсатишга лаёқатли, илгаригига қараганда технологик жиҳатдан анча юқори даражада ишлайдиган, фаолияти қайта тикланган корхоналар янги инвесторлар эътиборини тобора кўпроқ ўзига тортмоқда. Инвесторлар ҳозирги пайтда бундай корхоналарни банклардан фаол сотиб олмақда. Бугунги кунда тижорат банклари балансига берилган 147 та банкрот корхонанинг 140 тасида ишлаб чиқариш қайта тиклангани, уларнинг 64 таси янги инвесторларга сотилгани бу фикрнинг ёрқин далилидир. Қайд этиш керакки, банклар томонидан бу корхоналарни модернизатсия қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш учун 156 миллиард сўм микдорида инвестиция йўналтирилди, 21 мингдан кўпроқ иш ўрни ташкил қилинди.

Қайта тикланган корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми 460 миллиард сўмни ташкил этиб, умумий қиймати 165 миллион доллардан ортиқ бўлган турли маҳсулотлар экспорт қилинган. Бундай ёндашув келгусида ҳам банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни қайта тиклаш ишларида энг муҳим йўналиш бўлиб қолиши зарур.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда.

Пахта ва ғалла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хомашё базаси яратилмоқда.

Махсус ишлаб чиқилган кенг қўламли дастурни изчил амалга ошириш ҳисобидан ерларнинг мелиоратив ҳолати муттасил яхшиланмоқда. Фақат 2010 йилнинг ўзида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди ва бу 724 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 208 та мелиоратив қудуқларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, қарийб 14 минг километрлик коллектор-дренаж тизимини таъмирлаш, қайта тиклаш ва 335 та замонавий мелиоратсия техникасини харид қилиш имконини берди.

Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари, шунингдек, Марказий Фарғона ҳудуди ва Қорақалпоғистон Республикасида ирригатсия ҳамда мелиоратсия иншоотларини қайта тиклаш учун 2010 йилда халқаро молия институтларининг 62 миллион доллардан зиёд маблағлари жалб қилинди ва ўзлаштирилди.

Амалга оширилган ана шундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида 260 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини, фермер ҳамда деҳқон хўжаликларининг даромадини ошириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган йили хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 13,4 фоиз ўсишга эришилди, сўнгги ўн йилда эса аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми, киши бошига ҳисоблаганда, қарийб 20 баробар ошди. Биз бу борада мобил алоқа, интернет, видеотелефон тизими, рақамли телевидение, замонавий банк хизматлари, лизинг, суғурта, аудит, инжиниринг ва бошқа замонавий хизмат турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Бугунги кунда юртимиз мобил алоқанинг ривожланиш кўрсаткичи бўйича дунёда олдинги ўринда турган ўн та мамлакат қаторига киради. Ўзбекистонда мобил алоқа хизматидан фойдаланувчиларнинг умумий сони 2000 йилга нисбатан – шунга эътибор беринглار – 200 баробар ошиб, 19 миллиондан ортиқ абонентни ташкил этмоқда. Агар ўн йил аввал мамлакатимиз аҳолисининг ҳар минг нафарига 4 донадан кам мобил телефон тўғри келган бўлса, бугун бу кўрсаткич 600 донадан ошиб кетди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз собиқ иттифоқ ҳудудида биринчилардан бўлиб рақамли ва кенг форматли телевидениега тўлиқ ўтиш бўйича катта миқёсдаги дастурни амалга оширишни бошлади ва бу жараён 2015 йилда ниҳоясига етказилади.

Аҳолининг интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти кенгайиб бораётганини албатта ижобий баҳолаш лозим. 2010 йилда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 1,4 баробар кўпайди ва 6,6 миллион кишидан ошди. Айни вақтда интернет хизматини кўрсатиш тарифларини босқичма-босқич камайтириб бориш ҳисобидан ундан фойдаланувчилар учун шароитлар тобора яхшиланмоқда. Хусусан, 2010 йилда бу борадаги тарифлар 20 фоизга пасайтирилганини алоҳида қайд этиш керак.

Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади. Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.

Барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтириладиган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 800 миллион доллардан ошгани ёки

2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 37,5 фоизини ташкил этгани принципиал муҳим аҳамиятга эгадир.

Инвестиция дастури доирасида 2010 йилда 200 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, йилига 50 мингта автомобил ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “М-300” русумидаги енгил автомобил ишлаб чиқаришни ўзлаштириш”, 200 минг тонна калий ўғитлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “Деҳқонобод калий ўғитлари заводи қурилиши”, “Хонжиза конида полиметалл рудаларга ишлов бериш” каби йирик лойиҳалар, Навоий кон-металлургия комбинати, “Навоиязот” компаниясининг бир қатор янги объектларини барпо этиш ишлари амалга оширилди.

2010 йилда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Ана шу лойиҳалар доирасида жаҳон бозорида харидоргир бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган 7 та корхона фойдаланишга топширилди.

Транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган маблағлар инвестициялар умумий ҳажмида муҳим ўрин эгаллади. Ўтган йилнинг ўзида фақат автомобил йўллари қуриш ва реконструкция қилиш учун 378 миллион долларга тенг бўлган маблағ ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда 31,5 фоиз кўп демакдир. Шунинг ҳисобидан мамлакатимизда 270 километрлик замонавий автомобил йўли фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон миллий автомагистрالي лойиҳаси таркибига қирадиган семент-бетон қопламали 222 километрлик автомобил йўлини қуриш ва реконструкция қилиш учун Осиё тараққиёт банки билан 600 миллион доллар миқдорида кредит маблағларини жалб қилиш тўғрисида шартнома имзоланди.

2010 йилда халқаро транспорт логистика марказларини ривожлантиришга доир ишлар давом эттирилди. Навоий шаҳридаги аэропортда фойдаланишга топширилган “Навоий” халқаро интермодал логистика марказининг юк терминали орқали 50,1 минг тонна ёки 2009 йилга қараганда 3 баробар кўп юк ташилди. Ангрен шаҳридаги Халқаро логистика маркази томонидан 4 миллион тоннадан ортиқ юк ташиш амалга оширилди, мамлакатимиз минтақалари ва Фарғона водийси вилоятлари ўртасида йил давомида узлуксиз автотранспорт қатнови таъминланди.

Ҳаво транспорти ва темир йўл паркларини янгилаш ишлари давом эттирилмоқда. Ўтган йили “Эйрбас индастри” компаниясининг 6 та А-320-200 русумли самолёти, 8 та замонавий электровоз сотиб олинди, 1 минг 790 та юк ташийдиган ва 38 та йўловчи ташийдиган вагонлар қурилди, таъмирланди ва модернизация қилинди. Тикланиш ва тараққиёт фондининг стратегик муҳим лойиҳаларни мустақил равишда ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан биргаликда молиялаштириш борасидаги роли ортиб бормоқда. 2010 йилда ушбу фонднинг қарийб 330 миллион доллар миқдоридаги маблағи ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга нисбатан 25,6 фоизга кўпдир.

Ўтган даврда Фонд маблағлари ҳисобидан 14 та йирик инвестиция лойиҳаси молиялаштирилди. Ўзбекистон-Уммон қўшма инвестиция компанияси иштирокида тўқимачилик, телекоммуникатсия тармоқлари ва молия секторида умумий қиймати қарийб 80 миллион долларлик 3 та инвестиция лойиҳасини молиялаштириш ишлари бошланди. Тикланиш ва тараққиёт фондининг таркибий ўзгаришлардаги роли ортиб бораётганини ҳисобга олиб, 2014 йилгача унинг низом жамғармасини икки баробар, яъни 5 миллиард доллардан 10 миллиард долларга босқичма-босқич кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

2010 йилда касб-ҳунар коллежлари ва академик литсейларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, шунингдек, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга ошириш якунига етказилди. Умуман олганда, 2005-2010 йиллар давомида 7 минг 800 дан ортиқ умумтаълим муассасаси, қарийб 1 минг 500 та касб-ҳунар коллежи ва академик литсей барпо этилди ва реконструкция қилинди. Фақат 2010 йилда мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва литсейларда 2 минг 300 тадан зиёд компютер техникаси ва мультимедиа ускунаси ўрнатилди.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ва болалар спортини ривожлантиришга қаратилган дастурни амалга ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилди. Бунинг натижасида фақат 2010 йилнинг ўзида 72 та спорт иншооти, 27 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди, умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган спорт инвентарлари ва ускуналар жойларга етказиб берилди. Бугунги кунда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ҳар уч нафаридан бири турли сексия ва тўғарақларда спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

2010 йилда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва ушбу тизимда сифат ўзгаришларини амалга оширишни таъминлаш борасидаги ишлар давом эттирилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган ва республика ҳамда вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасалари тармоғи шакллانган.

Барча вилоятлар марказларида катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳар бир туманда энг замонавий медитцина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу қишлоқ врачлик пунктларининг сони 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпайиб, 3 минг 200 тадан ошди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича юксак самарали замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилган.

Барча вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида скрининг марказлари ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини таъминлаш учун 2010 йилнинг ўзида 4 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди. 2010 йилда 116 минг нафардан зиёд бўлажак она скрининг марказларида тиббий кўрикдан ўтказилди. Шу билан бирга, перинатал марказлар тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда. Ўтган ўн йил давомида юртимизда 11 та перинатал марказ ташкил этилди. 2010 йилда уларда 158 минг нафардан ортиқ, яъни 2000 йилга нисбатан 10 баробар кўп она ва бола тиббий кўрикдан ўтказилди.

Бунинг натижасида кейинги ўн йилда мамлакатимизда оналар ўлими коэффитциенти 33,1 промилледан 19,7 промиллега, болалар ўлими коэффитциенти эса 18,9 промилледан 10,1 промиллега тушди. Туғма ва ирсий касалликлар билан туғиладиган болалар сони қарийб икки баробар камайди.

2010 йили қишлоқ жойларда биз 2009 йилда бошлаган, қулай ва барча коммунал хизмат шароитларига эга бўлган яқка тартибдаги турар-жой массивларини комплекс қуриш ишлари амалга оширилган.

Айниқса, яқка тартибда қурилатган уй-жойлар лойиҳаларининг қулайлик нуқтаи назаридан бошқатдан кўриб чиқилиб, ажратиладиган ер участкалари ҳажмини тўрт сотих ўрнига олти сотих қилиб белгилаш тўғрисида қабул қилинган қарорлар алоҳида аҳамият касб этди. Натижада 2010 йили мамлакатимизнинг барча 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар бўйича тайёр ҳолда топшириш шарти билан 6 минг 800 та уй-жой барпо этилди.

Ушбу мақсадларга қарийб 430 миллиард сўм миқдоридаги капитал қўйилмалар, жумладан, 250 миллиард сўмдан ортиқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар йўналтирилди. Бу маблағ 2009 йилга нисбатан 9 баробар кўпдир. Дастурни амалга ошириш бошланганидан буён янги массивларда қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб яшаши учун зарур бўлган 165 та ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объекти барпо этилди.

2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган. Бу янги ташкил қилинган умумий иш ўринларининг 600 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликлари, 210 мингдан ортиғи касаначилик соҳасига тўғри келади.

Аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида ҳам сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Аҳолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари барқарор ошиб бормоқда, унинг харид қобилияти муттасил ўсмоқда, фуқароларимиз истеъмол қиладиган маҳсулотлар таркибининг сифати ортмоқда. Биргина 2010 йилда бюджет соҳаси муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори 32 фоизга, аҳолининг умумий пул даромадлари эса жон бошига 1,3 баробар ошди.

Аҳолининг даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромад улуши тобора салмоқли ўрин эгалламоқда ва барча даромадларнинг 47 фоиздан ортиғи ушбу

соҳа хиссасига тўғри келмоқда. Юртимизда оилаларнинг сифатли ва узоқ муддат фойдаланадиган истеъмол товарлари билан таъминланиш даражаси сезиларли равишда ошди. Жумладан, бугунги кунда ҳар 100 та оилага ўртача 132 та телевизор, 99 та холодильник, 18 тадан зиёд кондиционер, 12 та шахсий компьютер, 27 тадан ортиқ енгил автомобил тўғри келмоқда. Бу ҳол албатда миллий иқтисодиётни келгусидаги устувор вазифаларини белгилаб олишимизда асосий мезон сифатида хизмат қилади.

2.3. Истиқболда миллий иқтисодиётни иқтисодий ўсишини таъминловчи омиллар

Юқоридаги таҳлиллар асосида қарайдиган бўлсак, 2011 йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 108,3 фоиз, саноатдаги ўсиш – 109,3 фоиз, қишлоқ хўжалигида – 105,8 фоиз ҳажмида бўлиши кўзда тутилмоқда. Инфляция даражаси 7-9 фоиз атрофида бўлиши назарда тутилмоқда. Тасдиқланган давлат бюджетиди ялпи солиқ юкини 1,2 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўловини эса 2010 йилдаги 7 фоиздан 2011 йилда 6 фоизга тушириш мўлжалланган. Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини 2011 йилдаги асосий **устувор йўналиш** сифатида давом эттиришни тақозо этмоқда.

Бу ўринда **ишлаб чиқаришни диверсификация** қилиш ва мамлакатимиздаги хомашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли иқтисодиёт тармоқлари шаклланиши лозим. Ана шу мақсадларга эришиш учун “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги дастур тасдиқланди. Ушбу дастур саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 миллиард долларни ташкил этадиган 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишни кўзда тутди.

Яқин беш йил ичида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга кўпайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Бу борада машинасозлик, автомобилсозлик, кимё, озиқ-овқат, фарматсевтика, қурилиш материаллари саноати ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳисобидан ушбу тармоқларда икки баробардан зиёд ўсишга эришилади. Тўқимачилик саноатида экспортбоп рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган, яқиний ишлаб чиқариш шаклига эга бўлган янги, замонавий тўқимачилик комплексларини ривожлантириш устувор аҳамият касб этиши зарур.

Бу, ўз навбатида, пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш ҳажмини 2 баробардан кўпроқ, калава ишлаб чиқаришни 2,6 баробар, тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмларини 3 баробар, тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортини 2 баробар оширишни таъминлайди. Юксак технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бу лойиҳалар синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлар, суюлтирилган ва сиқилган табиий газ ишлаб чиқариш бўйича янги, замонавий газ-кимё комплексларини барпо этиш, энергияни тежайдиган замонавий технологиялар асосида минерал ўғитлар ҳамда янги турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, эскирган ускуналарни замонавий буғ-газ қурилмалари билан алмаштириш ҳисобидан энергетика тармоғини жадал ривожлантириш каби соҳаларни қамраб олади. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади. 2011 йилда иқтисодиётга жалб этиладиган барча инвестицияларнинг 36,4 фоиздан ортиғини саноатни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини амалга оширишга йўналтириш кўзда тутиладигани, замонавий асбоб-

ускуналар харид қилиш харажатлари умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг камида 46 фоизини ташкил этаётганини қайд этиш даркор.

Саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига қирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда. Бу борада, аввало, ерларнинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айтиш керакки, бу йўналишдаги ишларнинг қўлами йил сайин кенгайиб бораётганига қарамасдан, суғориладиган ерларнинг мавжуд мелиоратив ҳолати катта ташвиш уйғотмоқда.

Ҳозирги вақтда юртимизда жами суғориладиган ерларнинг қарийб 49 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, бунинг қарийб 18 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрланган ерлардир, 23 фоиздан ортиғи эса бонитети паст ерлар тоифасига қиради. Мелиоратив ҳолати қониқарсиз ерларнинг катта қисми Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Жиззах ва Фарғона вилоятларига тўғри келади. Биз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажмини бундан буён ҳам кўпайтириш лозим.

Хал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир муҳим устувор йўналиш – чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратиш даркор. Ўзбекистонда инвесторлар учун, айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан беқиёс, ўта қулай инвеститцион муҳит, имтиёз ва преференсиялар тизими яратилган, деб айтишга барча асосларимиз бор. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунинг билан таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион доллардан ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобидан иқтисодиётимизнинг кўплаб тармоқларида 70 тадан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Бу, авваламбор, газни қайта ишлайдиган замонавий завод қуришни ўз таркибига олган Қандим гуруҳи конларини, шунингдек, Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириш, истикболли углеводород хомашё конларида геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича йирик лойиҳалардир.

Айни вақтда Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси барпо этиш, Қорақалпоғистон Республикасида семент заводи қуриш, Тошкент вилоятида турли мато ва тикувчилик маҳсулотлари, тайёр дори препаратлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳалар ҳам шулар қаторига қиради. Булар – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан барпо этиладиган истикболли объектларнинг бир қисми.

Айни пайтда биз мамлакатимиздаги ўз ички ресурсларимизнинг қўламини кенгайтириш бўйича ҳам доимий иш олиб боришимиз даркор. Бу борада Тикланиш ва тараққиёт фондининг ролини кучайтириш ғоят муҳим ўрин тутди. Ҳозирги вақтда 6 миллиард доллардан ортиқ маблағ жамланган ушбу Фонд, аввало, стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий инвесторлар билан биргаликда молиялаштиришда етакчи шериклардан бири сифатида фаолият олиб бориши керак.

2011 йилда мазкур Фонднинг маблағлари ҳисобидан қиймати 780 миллион доллардан ортиқ бўлган 24 тадан зиёд лойиҳани молиялаштириш кўзда тутилаётган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 2,1 баробар кўпдир. Бу лойиҳалар сирасига, энг аввало, Сургил кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, Қалмоққир конини кенгайтириш ва реконструкция қилиш, Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ мосламасини қуриш, Янги Ангрен иссиқлик электр станциясининг бешта энергия блокларини йил давомида қўмир асосида ишлаш тизимига ўтказиш, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мисни бойитиш фабрикасини реконструкция қилиш ва бошқа лойиҳалар қиради.

Фонднинг хорижий шерикларимиз билан биргаликда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш борасидаги самарали ҳамкорлигига мисол сифатида Таллимаржон иссиқлик электр станциясида умумий қиймати 1 миллиард 280 миллион долларлик иккита буғ-газ

мосламасини куриш лойиҳасини келтириш мумкин. Ушбу лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фондидан ташқари Осиё тараққиёт банки ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги каби хорижий шериклар инвестор сифатида иштирок этмоқда.

Бизнинг 2011 йилги ва истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизни амалга оширишда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш устувор йўналишга айланиши даркор. Бу муҳим устувор вазифани изчил амалга ошириш учун 2015 йилгача бўлган даврга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, у иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакатимиз ҳудудларини истиқболли ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган дастур билан узвий боғлиқдир.

Бу дастурни амалга ошириш мақсадида 85 та инвестиция лойиҳасини жорий этиш ва бу ишларга барча манбалар ҳисобидан қарийб 7 миллиард доллар йўналтириш мўлжалланмоқда. 2011 йилда бу маблағнинг 1 миллиард 200 миллион доллардан ортигини ўзлаштириш лозим. Бу борада Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирадиган автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ўзаро ишончли боғлайдиган ягона миллий автомобил транспорт тизимини ташкил этиш лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлашга биринчи даражали аҳамият қаратилиши лозим.

Мамлакатимизда 2011 йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилиниши барчамизнинг зиммамизга қандай улкан масулият юклайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Иқтисодиётнинг ушбу соҳаси юртимизда қандай катта суръатлар билан ривожланиб бораётганини юқорида қайд этиб ўтдик. Бу ўринда 2011 йилда мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда келгусида, миллий иқтисодиётни иқтисодий ўсишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик доирасида қуйидагиларга алоҳид аътибор қаратиш лозим: **Биринчидан**, мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим; **Иккинчидан**, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хомашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш; **Учинчидан**, биз кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни туғдириб беришимиз керак. Кичик корхоналар учун ташки савдо операцияларини расмийлаштиришдаги ортиқча ички процедураларни бартараф этиш, кичик бизнес соҳаси маҳсулотларини экспорт қилиш борасида қўшимча преференциялар бериш зарур. Шунинг тан олиш керакки, ҳар қандай кичик корхона ҳам ўз маҳсулотлари билан ташки бозорга мустақил равишда чиқа олмайди. Чунки бунинг учун катта сарф-харажатлар керак бўлади, хорижий мамлакатлар бозорининг ҳолати ва қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида етарлича ахборот ва билимларга эга бўлиш талаб этилади.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва бошқа барча муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли – бу миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва иқтисодий ўсишига эришишдир. Аҳоли фаровонлигининг ошириб бориши ҳам пировард натижада иқтисодий ўсиш даражаси ва суръатларига боғлиқ. Миллий иқтисодиётда **иқтисодий ривожланиш** қийин аниқланадиган жараён бўлганлиги сабабли, унинг мезонларидан бири бўлган **иқтисодий ўсиш** кўпроқ таҳлил қилинади.

Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ички маҳсулот миқдорининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади.

Иқтисодий ўсишни ЯИМ мутлоқ ҳажмининг ортиши орқали ёки аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш бунинг қандай мақсадда амалга оширилаётганига боғлиқ бўлади. Одатда бирон-бир мамлакат иқтисодий ўсишини ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ўлчаш унинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш эса мамлакатдаги турмуш даражасини таққослашда қўлланилади.

Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатини тавсифлайдиган мазкур кўрсаткичлар (реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига реал ЯИМнинг ўсиши) миқдорий кўрсаткичлар бўлиб, улар биринчидан, маҳсулот сифатининг ошишини тўлиқ ҳисобга олмайди ва шу сабабли фаровонликнинг ҳақиқий ўсишини тўлиқ тавсифлаб беролмайди. Иккинчидан, реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиши бўш вақтнинг сезиларли кўпайишини акс эттирмайди ва фаровонлик реал даражасининг пасайтириб кўрсатилишига олиб келади. Учинчидан, иқтисодий ўсишни миқдорий ҳисоблаш бошқа томондан унинг атроф муҳитга ва инсоннинг ҳаётига салбий таъсирини ҳисобга олмайди.

Иқтисодий ўсишга маълум бир омиллар, яъни тўсатдан вужудга келган инқирозлар ҳам таъсир этади. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини кўриб чиқиш мумкин. Бу борада Президентимизнинг «...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади»⁷ деган сўзларини яна бир бор эсга олиш муҳимдир. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнларидаги иштироки ҳам ушбу инқироз оқибатларининг маълум даражада иқтисодиётимизга ўз таъсирини кўрсатиши мумкинлигидан дарак беради.

Иқтисодиётимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларни қуйидаги рақамлар асослайди. Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайиб бораётган бир шароитда ушбу соҳада маҳсулот етиштириш юқори суръатлар билан кўпаймоқда. 2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради. Бизнинг бу борадаги энг катта ютуғимиз ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошганида намоён бўлмоқда.

⁷ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, -11 б.

Молиявий инқироз шароитида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар орқали ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2008 йил 18 ноябрь) фармонлари шулар жумласидандир.

Президентимиз ўз асарларида Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб бердилар:

Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштирилаётган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир;

Иккинчидан – жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омилар яратиш;

Учинчидан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш. Шу мақсадда яқинда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқулланганини қайд этиш лозим;

Тўртинчидан – электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш;

Бешинчидан – жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари аҳамиятли ўрин тутди.

Юқорида кўриб чиқилган асосий вазифаларнинг изчил ва оғишмай бажарилиши пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг янада барқарор ва юқори суръатлардаги ўсиши ҳамда жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларини камайтиришга имкон яратади.

Хулоса қилиб айтганда келгусида, миллий иқтисодиётни иқтисодий ўсишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик доирасида қуйидагиларга алоҳид аътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим;

Иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хомашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

Учинчидан, биз кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни туғдириб беришимиз керак. Кичик корхоналар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштиришдаги ортиқча ички процедураларни бартараф этиш, кичик бизнес соҳаси маҳсулотларини экспорт қилиш борасида қўшимча преференциялар бериш зарур. Шунангелик керакки, ҳар қандай кичик корхона ҳам ўз маҳсулотлари билан ташқи бозорга мустақил равишда чиқа олмайди. Чунки бунинг учун катта сарф-харажатлар керак бўлади, хорижий мамлакатлар бозорининг ҳолати ва қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида етарлича ахборот ва билимларга эга бўлиш талаб этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 1992. -21 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида» ги қонуни.-Т.:1993. -14 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси».-Т.: Адолат, 1996. -11 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-минтақавий тузилиши.-Т.: «Ўзбекистон», 1996. -20 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.:Ўзбекистон. 1997. -326 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда.-Т.: Ўзбекистон. 1997. -44 б.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
8. Каримов И.А. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январ.
9. Ахмедов Э.А., Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси.-Т.: Ўзбекистон. 1998. -130 б.
10. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон–иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б.
11. Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Неъматов И.У. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида. Экспресс-проспект. Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 50 б.
12. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида: Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисодиёт» нашр, 2008. – 128 б.
13. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. – 102 б.
14. Тўхлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти.-Т.: Ўқитувчи. 1994. -35 б.
15. Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти.-Т.: Ўзбекистон. 2000. -305 б.
16. Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана.-Т.: Ўқитувчи. 2000. -368 с.
17. Ходиев Б.Ю., А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
18. Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилашнинг илмий ва назарий асослари. Илмий-оммабоп рисола. – Т.: ТДИУ, 2008. – 57 б.
19. Холмўминов Ш.Р. Бозор иқтисодиёти ва аҳоли бандлиги.-Т.: Ўқитувчи. 1994. 55 б.
20. Хакимова М. Макроиқтисодиёт асослари.-Т.: Ўқитувчи. 1995. 34 б.
21. Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). – Т., «Fan va texnologiya» nashriyoti, 2005. – 784 б.
22. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. – Т.: «Фан ва технология» нашр, 2008. – 314 б.
23. Шодмонов Ш.Ш., Юсупов Р.А. Замонавий бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. – Т.: ТДИУ, 2007.-44 б.
24. Шодмонов Ш., Ғафуров У. Бозор иқтисодиёти асослари. Илмий-оммабоп нашр. – Т.: ТДИУ, 2007. – 75 б.